



## SPECIFIC FEATURES OF WORKING WITH POPULATION GROUPS IN NEED OF SOCIAL PREVENTION IN NEIGHBORHOODS WITH COMPLEX CRIMINOGENIC CONDITIONS

**Sharipov Sanjar Sobirovich**

Doctor of Philosophy (PhD) in Legal Sciences,  
Associate Professor;

**Rasulov Jamshid Paizullaevich**

Master's student at the Academy of Internal Affairs  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20557213>

### ARTICLE INFO

Received: 24<sup>th</sup> May 2026

Accepted: 30<sup>th</sup> May 2026

Online: 31<sup>st</sup> May 2026

### KEYWORDS

*Social prevention, population groups in need of social prevention, social risk, criminological classification, deviant behavior, victimological risk, targeted prevention, social risk profile.*

### ABSTRACT

*This article examines the theoretical and criminological foundations of working with population groups in need of social prevention in neighborhoods with complex criminogenic conditions. The study develops a classification of social prevention objects based on economic, deviant, youth-related, family-victimological, and socially vulnerable factors. In addition, foreign experience and national legal frameworks, particularly Resolution No. 754 of the Cabinet of Ministers, were analyzed, and organizational mechanisms for working with socially vulnerable groups were explored. Based on the research findings, a "Social Risk Profile Model" was proposed for assessing the level of social risks. The model makes it possible to classify prevention objects according to risk levels, develop targeted preventive measures, and ensure early identification of social threats.*

## ОСОБЕННОСТИ РАБОТЫ С КАТЕГОРИЯМИ НАСЕЛЕНИЯ, НУЖДАЮЩИМИСЯ В СОЦИАЛЬНОЙ ПРОФИЛАКТИКЕ, В МАХАЛЛЯХ СО СЛОЖНОЙ КРИМИНОГЕННОЙ ОБСТАНОВКОЙ

**Шарипов Санджар Собирович**

доктор философии (PhD) в области юридических наук, доцент;

**Расулов Джамшид Пайзуллаевич**

магистрант Академии внутренних дел

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20557213>

### ARTICLE INFO

Received: 24<sup>th</sup> May 2026

Accepted: 30<sup>th</sup> May 2026

Online: 31<sup>st</sup> May 2026

### ABSTRACT

*В статье исследованы теоретико-криминологические основы работы с категориями населения, нуждающимися в социальной профилактике, в махаллях со сложной криминогенной обстановкой. В рамках исследования разработана классификация объектов социальной профилактики по экономическим, девиантным, молодежным, семейно-*



**KEYWORDS**

Социальная профилактика, категории населения, нуждающиеся в социальной профилактике, социальный риск, криминологическая классификация, девиантное поведение, виктимологический риск, адресная профилактика, социальный риск-профиль.

виктимологическим и социально уязвимым факторам. Кроме того, проанализированы зарубежный опыт и национальные правовые основы, а также раскрыты организационные механизмы работы с нуждающимися в социальной профилактике категориями населения. По результатам исследования предложена «Модель социального риск-профиля», направленная на оценку уровня социальных рисков. Данная модель позволяет классифицировать объекты профилактики по уровню риска, формировать адресные профилактические меры и осуществлять раннее выявление социальных угроз.

**КРИМИНОГЕН ВАЗИЯТИ МУРАККАБ МАҲАЛЛАЛАРДА ИЖТИМОЙ  
ПРОФИЛАКТИКАГА МУҲТОЖ АҲОЛИ ҚАТЛАМИ БИЛАН  
ИШЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Шарипов Санжар Собирович**

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент;

**Расулов Жамшид Пайзуллаевич**

ИИБ Академияси Магистратура тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20557213>

**ARTICLE INFO**

Received: 24<sup>th</sup> May 2026

Accepted: 30<sup>th</sup> May 2026

Online: 31<sup>st</sup> May 2026

**KEYWORDS**

Ижтимоий профилактика, ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламлари, ижтимоий хавф, криминологик тасниф, девиант хулқ-атвор, виктимологик хавф, манзилли профилактика, ижтимоий хавф профили.

**ABSTRACT**

Мазкур мақолада криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламлари билан ишлашнинг назарий-криминологик асослари тадқиқ этилган. Тадқиқот доирасида ижтимоий профилактика объектларининг иқтисодий, девиант, ёшлар, оилавий-виктимологик ҳамда ижтимоий заифлик омиллари бўйича таснифи ишлаб чиқилган. Шунингдек, хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда миллий ҳуқуқий асослари таҳлил қилиниб, ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламлари билан ишлашнинг ташкилий механизмлари ёритилган. Тадқиқот натижалари асосида ижтимоий хавф даражасини баҳолашга қаратилган “Ижтимоий хавф профили модели” тақлиф этилган. Мазкур модель профилактика объектларини хавф даражаси бўйича тоифалаш, манзилли профилактика чораларини белгилаш ҳамда ижтимоий хавфларни барвақт аниқлаш имконини беради.



Бугунги кунда криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш, аҳоли билан манзилли ишлаш механизмларини кучайтириш ҳамда ижтимоий профилактика самарадорлигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланмоқда. Айниқса, жиноятчиликка мойилликнинг шаклланишига таъсир этувчи ижтимоий хавф омилларини барвақт аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Криминология назариясида жиноятчилик фақат ҳуқуқбузар шахснинг индивидуал хусусиятлари билан эмас, балки уни ўраб турган ижтимоий муҳит, оилавий ҳолат, иқтисодий шароит, ижтимоий назорат даражаси ҳамда шахснинг ижтимоий интеграция имкониятлари билан ҳам боғлиқ ҳолда баҳоланади. Шу нуқтаи назардан, криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламлари билан ишлаш жиноятларнинг олдини олишнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Амалиёт таҳлиллари шуни кўрсатадики, ижтимоий профилактика объекти ҳисобланган аҳоли қатламлари турли ижтимоий хавф омиллари таъсири остида шаклланади. Улар қаторига банд бўлмаган ёки доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахслар, ғайриижтимоий хулқ-атворга мойил

шахслар, ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи юқори бўлган ёшлар, оилавий муаммоларга дуч келган шахслар, оғир ижтимоий аҳволдаги хотин-қизлар, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган шахслар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари киради.

Мазкур тоифалар билан ишлашда умумий профилактика чоралари ҳар доим ҳам кутилган натижани бермайди. Чунки ҳар бир тоифа жиноятчиликка таъсир кўрсатувчи алоҳида ижтимоий хавф омиллари, виктимологик хусусиятлар, ижтимоий интеграция даражаси ҳамда профилактик таъсир эҳтиёжларига эга бўлади.

Хорижий криминологияда ижтимоий хавф гуруҳлари билан ишлаш масалалари кенг ўрганилган бўлса-да, криминоген вазияти мураккаб маҳаллалар шароитида ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламларини комплекс баҳолаш, уларни хавф даражаси бўйича таснифлаш ҳамда манзилли профилактика механизмларини шакллантириш масаласи миллий тадқиқотларда ҳали етарли даражада мустақил илмий йўналиш сифатида шаклланмаган.

Шу билан бирга, мамлакатимизда ижтимоий профилактика соҳасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан аҳоли билан манзилли ишлаш, ижтимоий хавф омилларини бартараф этиш, маҳалла даражасида профилактик таъсир чораларини кучайтириш ҳамда субъектлар ўртасидаги ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш



мазкур тадқиқотнинг долзарблигини янада оширмоқда.

Ушбу мақоланинг мақсади криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламларини криминологик жиҳатдан ўрганиш, уларнинг хавф омилларини аниқлаш, ижтимоий профилактик таъсир механизмларини таҳлил қилиш ҳамда мазкур йўналишда манзилли ишлашнинг ташкилий хусусиятларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот доирасида ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламларининг криминологик тавсифи ўрганилиб, уларни ижтимоий хавф даражаси бўйича баҳолаш, тоифалаш ва профилактик таъсир чораларини ишлаб чиқишга қаратилган ёндашув шакллантирилади.

Ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламларининг назарий-криминологик асосларини ёритишда, аввало, мазкур тоифанинг тушунчаси ҳамда криминологик хусусиятларини аниқлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш фаолиятида ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламларини аниқлаш ва улар билан манзилли ишлаш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки жиноятчиликнинг шаклланиши кўп ҳолларда шахснинг индивидуал хусусиятлари билан бир қаторда унинг ижтимоий муҳити, иқтисодий ҳолати, оилавий муносабатлари, бандлик даражаси

ҳамда ижтимоий интеграция имкониятлари билан ҳам узвий боғлиқ ҳисобланади.

Хорижий криминологияда мазкур масала ижтимоий хавф гуруҳлари, девиант муҳит ҳамда ижтимоий назорат назариялари доирасида кенг ўрганилган. Хусусан, америкалик олимлар К. Шоу ва Г. Маккей ижтимоий дезорганизация назариясида жиноятчиликнинг шаклланишини ҳудуддаги ижтимоий барқарорликнинг пасайиши, аҳоли алмашинувининг юқорилиги, иқтисодий қийинчиликлар ҳамда маҳаллий ижтимоий назоратнинг сусайиши билан боғлаганлар [2. Б. 98-120].

Уларнинг фикрига кўра, аҳолининг ижтимоий интеграция даражаси паст бўлган ҳудудларда ҳуқуқбузарликка мойил гуруҳлар шаклланиши эҳтимоли ортиб боради. Бу эса криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламларини алоҳида ўрганиш заруратини юзага келтиради.

Р. Мертон эса аномия назарияси орқали шахснинг ижтимоий мақсадларига эришиш имкониятлари чекланган шароитларда девиант ҳулқ-атвор шаклланиши мумкинлигини асослаган [3. Б. 185-214]. Айниқса, ишсизлик, доимий даромад манбаининг мавжуд эмаслиги, иқтисодий беқарорлик ҳамда ижтимоий ажралиш ҳолатлари жиноятчилик хавфини оширувчи омиллар сифатида баҳоланади.

Т. Ҳирши томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий алоқалар назариясида шахснинг оила, жамоа,



таълим муассасалари ва меҳнат муҳити билан ижтимоий боғлиқлиги ҳуқуқбузарликларни чекловчи муҳим омил сифатида кўрсатилган [4. Б. 16-34]. Мазкур ёндашув криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда ижтимоий профилактика объектларини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, Р. Сампсон ижтимоий самарадорлик назариясида маҳалладаги жамоавий назорат, аҳоли ўртасидаги ҳамкорлик ҳамда ўзаро ишонч даражаси жиноятчиликка бевосита таъсир кўрсатишини таъкидлайди [5. Б. 149-176]. Бу эса маҳалла институтининг ижтимоий профилактика тизимидаги аҳамиятини янада оширади.

Миллий амалиётда ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламлари турли ижтимоий хавф омиллари таъсирида шаклланади. Уларни шартли равишда қуйидаги тоифаларга ажратиш мумкин.

Биринчи тоифа – иқтисодий хавф гуруҳи: ишсиз шахслар, доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахслар, оғир иқтисодий аҳволдаги фуқаролар ҳамда меҳнат бозорига интеграциялашмаган аҳоли қатламлари.

Иккинчи тоифа – девиант хавф гуруҳи: ғайриижтимоий хулқ-атворга эга шахслар, қарамлик ҳолатига тушган шахслар, ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи юқори бўлган шахслар ҳамда профилактик ҳисобда турувчи шахслар.

Учинчи тоифа – ёшлар хавф гуруҳи: ишсиз ёшлар, ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож ёшлар, ҳуқуқбузарликка мойил ёшлар ҳамда

қаровсиз ва назоратсиз қолган вояга етмаганлар.

Тўртинчи тоифа – оилавий ва виктимологик хавф гуруҳи: ажрим ёқасидаги оилалар, низоли оилалар, тазйиқ ва зўравонликка учраган шахслар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар.

Бешинчи тоифа – ижтимоий заиф қатлам: ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, оғир ижтимоий аҳволдаги фуқаролар ҳамда парваришга муҳтож аҳоли қатламлари.

Хорижий давлатлар тажрибаси ҳам мазкур ёндашувларни қўллаб-қувватлайди. Хусусан, Сингапурда ижтимоий хавф гуруҳлари билан ишлашда шахснинг иқтисодий ҳолати, оилавий муҳити, таълим даражаси ҳамда жамоага интеграциялашув даражаси асосий баҳолаш мезонлари сифатида қўлланилади [9].

Японияда эса маҳалла даражасида ижтимоий профилактика аҳоли билан доимий мулоқот, жамоавий кузатув ҳамда эрта аралашув механизмлари асосида амалга оширилади [10].

Шу нуқтаи назардан қараганда, криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламларини оддий ижтимоий тоифа сифатида эмас, балки муайян криминологик хавф даражасига эга бўлган профилактика объекти сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламларининг криминологик хусусиятларини



аниқлашда уларни муайян хавф омиллари асосида таснифлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки мазкур тоифаларнинг ҳар бири жиноятчиликка таъсир этувчи турли ижтимоий, иқтисодий, оилавий ва психологик омиллар таъсирида шаклланади ҳамда уларга нисбатан қўлланиладиган профилактик таъсир чоралари ҳам бир хил бўлмайди.

Криминология назариясида ижтимоий хавф омиллари шахснинг ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимолини оширувчи ёки уни ижтимоий заифлик ҳолатига олиб келувчи шарт-шароитлар мажмуаси сифатида баҳоланади. Р. Мертоннинг аномия назариясига кўра, жамиятдаги мақсадлар ва уларга эришиш имкониятлари ўртасида номуносиблик юзага келганда шахсда девиант ҳулқ-атвор шаклланиши мумкин [3. Б. 185-214].

Мазкур ёндашув ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламларини баҳолашда иқтисодий беқарорлик, ишсизлик, ижтимоий ажралиш ҳамда ҳаётий имкониятларнинг чекланганлигини муҳим криминоген омиллар сифатида баҳолаш имконини беради.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламларини шартли равишда қуйидаги криминологик гуруҳларга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ – иқтисодий хавф омили таъсирида шаклланган аҳоли қатламлари.

Мазкур гуруҳга банд бўлмаган шахслар, доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахслар, узоқ муддат ишсиз юрган шахслар ҳамда оғир

иқтисодий аҳволга тушган аҳоли қатламлари киради.

Ушбу тоифа учун иқтисодий беқарорлик, ижтимоий интеграциянинг пасайиши, меҳнат муносабатларидан узилиш ҳамда ижтимоий тушкунлик асосий криминоген омиллар сифатида намоён бўлади.

Т. Ҳирши фикрича, шахснинг меҳнат муҳити ва жамият билан ижтимоий боғлиқлиги сусайганда ҳуқуқбузарликка мойиллик ортиши мумкин [4. Б. 16-34].

Иккинчи гуруҳ – девиант ҳулқ-атвор ва ҳуқуқбузарлик хавфи юқори бўлган шахслар.

Ушбу тоифага ғайриижтимоий ҳулқ-атворга эга шахслар, қарамлик ҳолатига тушган шахслар, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар ҳамда профилактик ҳисобда турувчи шахслар киради.

Э. Сазерленднинг дифференциал ассоциациялар назариясига кўра, шахс девиант муҳит билан узоқ вақт мулоқотда бўлганда ҳуқуқбузарлик ҳулқ-атвори шаклланиши мумкин [6. Б. 75-98].

Шу сабабли мазкур тоифа билан ишлашда ижтимоий муҳитни соғломлаштириш, ижобий таъсир муҳитини шакллантириш ҳамда қайта ижтимоийлаштириш чоралари муҳим аҳамият касб этади.

Учинчи гуруҳ – ёшлар муҳитидаги ижтимоий хавф тоифаси.

Криминоген вазияти мураккаб маҳалларда ёшлар алоҳида хавф гуруҳи сифатида баҳоланади.

Ушбу тоифага ишсиз ёшлар, ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож ёшлар, ҳуқуқбузарликка



мойил ёшлар ҳамда қаровсиз ва назоратсиз қолган вояга етмаганлар киради.

К. Шоу ва Г. Маккейнинг фикрича, ижтимоий назорат сусайган муҳитда ўсган ёшларда девиант хулқ-атвор шаклланиш эҳтимоли юқори бўлади [2. Б. 120-148].

Шу нуқтаи назардан, ёшлар билан ишлашда эрта профилактика, таълим муҳитини мустаҳкамлаш, ижтимоий мослашув ҳамда жамоавий таъсир механизмларини кучайтириш муҳим ҳисобланади.

Тўртинчи гуруҳ – оилавий ва виктимологик хавф тоифаси.

Ушбу гуруҳга ажрим ёқасидаги оилалар, низоли оилалар, тазйиқ ва зўравонликка учраган шахслар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар киради.

Виктимология соҳасидаги тадқиқотларга кўра, ижтимоий ҳимоянинг пастлиги ва оилавий беқарорлик шахснинг ҳам ҳуқуқбузарлик қурбонига айланиш, ҳам девиант муҳит таъсирига тушиш эҳтимолини ошириши мумкин [7. Б. 397-412].

Шу боис мазкур тоифа билан ишлашда нафақат ҳуқуқий, балки психологик ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмларини қўллаш зарур ҳисобланади.

Бешинчи гуруҳ – ижтимоий заиф аҳоли қатламлари.

Мазкур гуруҳ таркибига ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, оғир ижтимоий аҳволга тушган шахслар ҳамда парваришга муҳтож аҳоли қатламлари киради.

Ушбу тоифа жиноятчилик субъекти сифатида эмас, балки

ижтимоий хавф ҳамда виктимологик таъсирга юқори даражада мойил аҳоли қатлами сифатида баҳоланади.

Шу нуқтаи назардан уларга нисбатан ижтимоий профилактика чоралари муҳофаза қилиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда эрта аралашув механизмларига асосланиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламларини умумий ижтимоий тоифалар сифатида эмас, балки муайян криминалогик хавф омиллари таъсирида шаклланган профилактика объектлари сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мазкур ёндашув кейинги босқичларда ижтимоий профилактика механизмларини манзилли ташкил этиш ҳамда хавф даражасига асосланган баҳолаш моделини ишлаб чиқиш учун назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламлари билан ишлаш тизими кўплаб хорижий давлатларда жиноятларнинг олдини олиш сиёсатининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Хусусан, мазкур давлатларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда жазолаш ёки реактив чораларга эмас, балки хавф гуруҳларини барвақт аниқлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, қайта ижтимоийлаштириш ҳамда манзилли таъсир чораларини қўллашга устувор аҳамият берилади.

Хорижий тажрибалар таҳлили уларни шартли равишда қуйидаги йўналишлар бўйича ўрганиш имконини беради.



Биринчи йўналиш – ижтимоий хавф гуруҳларини эрта аниқлаш ва баҳолаш модели.

Сингапурда ижтимоий профилактика соҳасида шахснинг ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли эмас, балки унинг ижтимоий хавф муҳитига тушиш эҳтимоли баҳоланади.

Бунда қуйидагилар асосий мезонлар сифатида қўлланилади: бандлик ҳолати; даромад манбаи; оилавий муҳит; таълим даражаси; ижтимоий мослашув; маҳалла билан интеграция даражаси.

Айниқса, хавф гуруҳига кирувчи ёшлар, ишсиз шахслар ҳамда ижтимоий заиф аҳоли қатламлари билан ишлашда давлат органлари, маҳаллий жамоалар ва ижтимоий хизматлар ўртасидаги ҳамкорлик механизми самарали йўлга қўйилган.

Мазкур ёндашув ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламларини хавф даражаси бўйича баҳолаш заруратини кўрсатади.

Иккинчи йўналиш – жамоавий профилактика ва маҳалла иштирокини таъминлаш модели.

Япония тажрибасида ижтимоий профилактика фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти сифатида эмас, балки жамоавий иштирок механизми сифатида баҳоланади.

Хусусан, “Koban” тизими орқали хавф гуруҳидаги ёшлар, ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож шахслар, ёлғиз кексалар ҳамда ижтимоий назоратдан чиқиш хавфи мавжуд оилалар билан доимий профилактик мулоқот олиб борилади [10].

Япония моделида эрта аралашув тамойили устувор аҳамият касб этади. Бунда ижтимоий муаммолар ҳуқуқбузарликка айланмасдан олдин профилактик таъсир чораларини қўллаш асосий мақсад сифатида белгиланган.

Бу эса криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламлари билан ишлашда маҳалла субъектларининг иштирокини кучайтириш заруратини кўрсатади.

Учинчи йўналиш – кўп субъектли ижтимоий профилактика модели.

Буюк Британия амалиётида ижтимоий профилактика “Multi-agency safeguarding approach” модели асосида амалга оширилади.

Мазкур тизимда қуйидаги субъектлар ўзаро ҳамкорликда фаолият юритади: полиция органлари; ижтимоий хизматлар; таълим муассасалари; тиббий ташкилотлар; маҳаллий бошқарув органлари [11].

Ушбу модель, айниқса, тазйиқ ва зўравонлик қурбонлари, хавф гуруҳига кирувчи болалар, ижтимоий муаммоли оилалар ҳамда рецидив хавфи юқори бўлган шахслар билан ишлашда самарали ҳисобланади.

Мазкур ёндашув ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламлари билан ишлашни фақат битта субъект фаолияти билан чекламасдан, уни кўп субъектли ҳамкорлик асосида ташкил этиш зарурлигини кўрсатади.

Тўртинчи йўналиш – қайта ижтимоийлаштириш ва реинтеграция модели.



Германия тажрибасида ижтимоий профилактиканинг муҳим йўналишларидан бири шахсни қайта ижтимоийлаштириш ҳисобланади.

Бунда асосий эътибор қуйидаги масалаларга қаратилади: ишсиз шахсларни банд қилиш; касбий тайёрлаш; ижтимоий мослаштириш; меҳнат бозорига интеграциялаш; психологик қўллаб-қувватлаш [12].

Айниқса, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган шахслар билан ишлашда реинтеграция механизмлари кенг қўлланилади.

Мазкур ёндашув ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламлари билан ишлашда жазолаш чораларидан кўра ижтимоий мослаштириш ва қайта интеграция механизмларининг аҳамияти юқорилигини кўрсатади.

Бешинчи йўналиш – ижтимоий хавфларни рақамли баҳолаш модели.

АҚШ амалиётида ижтимоий профилактика соҳасида ижтимоий хавф даражасини баҳолаш тизимлари қўлланилади.

Бунда қуйидаги мезонлар асосида хавф индекси шакллантирилади: ишсизлик; оилавий муаммолар; таълимдан узилиш; девиант муҳит таъсири; аввалги ҳуқуқбузарликлар; ижтимоий қўллаб-қувватлаш даражаси [8. Б. 214-239].

Мазкур ёндашув ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламларини хавф даражаси бўйича баҳолаш ҳамда манзилли таъсир чораларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Юқорида келтирилган хорижий тажрибалар таҳлили шуни

кўрсатадики, ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламлари билан ишлашда қуйидаги тамойиллар устувор аҳамият касб этади:

*биринчидан*, хавф гуруҳларини барвақт аниқлаш;

*иккинчидан*, ижтимоий хавф даражасини баҳолаш;

*учинчидан*, кўп субъектли ҳамкорлик механизмларини шакллантириш;

*тўртинчидан*, қайта ижтимоийлаштириш чораларини қўллаш;

*бешинчидан*, рақамли мониторинг ҳамда манзилли профилактика механизмларини жорий этиш.

Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламлари ичида иқтисодий хавф гуруҳи алоҳида аҳамият касб этади. Чунки ишсизлик, доимий даромад манбаининг мавжуд эмаслиги, иқтисодий беқарорлик ҳамда меҳнат муносабатларидан узилиш ҳолатлари шахснинг ижтимоий интеграция даражаси пасайишига олиб келади ва ҳуқуқбузарлик хавфини оширувчи омиллар сифатида намоён бўлиши мумкин.

Мазкур тоифа билан ишлашда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан кўра ижтимоий хавф омилларини бартараф этиш устувор аҳамиятга эга ҳисобланади.

Хорижий тажрибаларда иқтисодий хавф гуруҳлари билан ишлашда бандликни таъминлаш, касбий қайта тайёрлаш, ижтимоий мослаштириш ҳамда иқтисодий



реинтеграция асосий йўналишлар сифатида қаралади. Хусусан, Германия амалиётида ижтимоий профилактика меҳнат бозорига қайта интеграция қилиш механизми билан узвий боғланган [12].

Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламларининг яна бир муҳим қисми девиант хулқ-атворга эга шахслар ҳисобланади.

Мазкур тоифа билан ишлашда қуйидаги йўналишлар муҳим аҳамият касб этади: биринчидан, ижтимоий муҳитни соғломлаштириш; иккинчидан, қайта ижтимоийлаштириш чораларини қўллаш; учинчидан, ижобий ижтимоий таъсир муҳитини шакллантириш; тўртинчидан, психологик қўллаб-қувватлаш; бешинчидан, меҳнат ва таълим муҳитига қайта интеграция қилиш.

Айниқса, рецидив хавфи мавжуд шахслар билан ишлашда назорат ва ижтимоий мослаштириш механизмларини уйғун қўллаш муҳим ҳисобланади.

Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда ёшлар муҳити ижтимоий профилактиканинг муҳим объектларидан бири ҳисобланади.

Мазкур тоифа билан ишлашда эрта профилактика устувор аҳамият касб этади. Бунинг учун таълим муҳитини мустақамлаш, ижтимоий назоратни кучайтириш, ёшларни банд қилиш, ижтимоий мослашувни таъминлаш ҳамда ижобий жамоавий таъсир муҳитини шакллантириш зарур ҳисобланади.

Сингапур тажрибасида хавф гуруҳига кирувчи ёшлар билан ишлашда оила, таълим муассасалари, ижтимоий хизматлар ва маҳаллий жамоалар ўртасидаги ҳамкорлик механизми қўлланилади [9].

Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда оилавий беқарорлик ижтимоий хавфнинг муҳим манбаларидан бири сифатида намоён бўлади.

Виктимология соҳасидаги тадқиқотларда ижтимоий ҳимоянинг пастлиги ҳамда оилавий муносабатларнинг издан чиқиши шахснинг виктимлашув эҳтимолини ошириши таъкидланган [7].

Шу сабабли мазкур тоифа билан ишлашда эрта аниқлаш, психологик ёрдам, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ҳимоя ҳамда жамоавий аралашув механизмларини қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламлари ягона ижтимоий тоифани ташкил этмайди. Аксинча, улар турли криминологик хавф омиллари таъсирида шаклланган кўп таркибли профилактика объектларидан иборат бўлиб, улар билан ишлашда манзилли ва дифференциал ёндашув талаб этилади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш соҳасида профилактик фаолиятни кучайтириш, аҳоли билан манзилли ишлаш тизимини ривожлантириш ҳамда ижтимоий хавф омилларини



барвақт аниқлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий механизмлар изчил такомиллаштириб борилмоқда.

Мазкур жараёнда ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламларини аниқлаш, уларни тоифалаш, манзилли ёрдам кўрсатиш ҳамда профилактик таъсир чораларини белгилаш масалалари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 754-сон қарори билан тасдиқланган “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом ижтимоий профилактика соҳасидаги муҳим ҳуқуқий асослардан бири ҳисобланади [1].

Мазкур низом ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламларини аниқлаш, баҳолаш ҳамда улар билан ишлаш механизмларини тизимлаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Низомда ижтимоий профилактика объекти бўлган шахслар фақат ҳуқуқбузарлик содир этган ёки ҳуқуқбузарликка мойил шахслар сифатида эмас, балки ижтимоий хавф таъсирига тушиш эҳтимоли юқори бўлган аҳоли қатламлари сифатида баҳоланади.

Бу эса ижтимоий профилактиканинг анъанавий профилактика моделидан ижтимоий хавф омилларини бартараф этишга йўналтирилган янги босқичга ўтаётганлигини кўрсатади.

Низомда белгиланган ижтимоий профилактика объектларининг

криминологик тавсифи уларни шартли равишда тўртта асосий гуруҳга ажратиш имконини беради.

Биринчи гуруҳ – ижтимоий хавфи юқори иқтисодий тоифалар.

Ушбу гуруҳга банд бўлмаган шахслар, доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахслар, ишсиз ёшлар ҳамда иқтисодий қийинчиликка дуч келган шахслар киради.

Мазкур тоифа бўйича қарорда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бандликни таъминлаш, касбга ўқитиш ва иқтисодий фаолликни рағбатлантириш чоралари назарда тутилган.

Криминологик нуқтаи назардан мазкур ёндашув ҳуқуқбузарлик оқибатларини эмас, балки уни келтириб чиқарувчи ижтимоий омилларни бартараф этишга қаратилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

Иккинчи гуруҳ – девиант хулқ-атвор ва ҳуқуқбузарлик хавфи юқори бўлган шахслар.

Қарорда ижтимоий профилактика объекти сифатида ғайриижтимоий хулқ-атворга эга шахслар, қарамлик ҳолати мавжуд шахслар, ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи юқори бўлган шахслар ҳамда қайта ижтимоийлаштиришга муҳтож шахслар билан ишлаш назарда тутилган.

Мазкур тоифага нисбатан профилактик таъсир, ижтимоий мослаштириш, қайта интеграция ва индивидуал ишлаш механизмлари устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Бу ёндашув Э. Сазерленднинг ижтимоий муҳит таъсири ҳақидаги



қарашлари билан ҳам уйғун ҳисобланади [6].

Учинчи гуруҳ – оилавий ва виктимологик хавф гуруҳлари.

Қарорда низоли оилалар, ажрим хавфи мавжуд оилалар, тазйиқ ва зўравонлик ҳолати кузатиладиган шахслар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур тоифаларга нисбатан эрта аралашув, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, психологик ёрдам ва манзилли таъсир чоралари белгиланган.

Бу ёндашув виктимологик профилактика элементларини ижтимоий профилактика тизимига интеграция қилиш имконини беради.

Тўртинчи гуруҳ – ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари.

Қарор таҳлили ижтимоий профилактика объекти сифатида ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, оғир ижтимоий аҳволдаги шахслар ҳамда парваришга муҳтож шахслар қамраб олинганлигини кўрсатади.

Мазкур ёндашув ижтимоий профилактикани фақат ҳуқуқбузарликларга қарши кураш механизми сифатида эмас, балки ижтимоий муҳофаза ва хавфсизликни таъминлаш тизими сифатида баҳолаш имконини беради.

Қарор таҳлилидан келиб чиқиб, ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламлари билан ишлаш механизмини қуйидаги босқичлар асосида ифодалаш мумкин.

#### **Биринчи босқич – аниқлаш.**

Мазкур босқичда ижтимоий хавф омиллари ўрганилади, шахслар

тоифалаштирилади, муаммо манбалари аниқланади ҳамда ижтимоий эҳтиёжлар баҳоланади.

#### **Иккинчи босқич – баҳолаш.**

Бу босқичда хавф даражаси, ижтимоий муҳит, иқтисодий ҳолат, оилавий шароит ҳамда девиант омиллар таҳлил қилинади.

#### **Учинчи босқич – манзилли таъсир.**

Унда ижтимоий ёрдам кўрсатиш, психологик қўллаб-қувватлаш, бандлик чораларини амалга ошириш, қайта ижтимоийлаштириш ҳамда профилактик кузатув тадбирлари олиб борилади.

#### **Тўртинчи босқич – мониторинг.**

Мазкур босқичда натижалар баҳоланади, хавф динамикаси кузатилади, профилактика самарадорлиги таҳлил қилинади ҳамда кўшимча чора-тадбирлар белгиланади.

Ушбу механизм ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламлари билан ишлашни эпизодик эмас, балки узлуксиз ва манзилли жараён сифатида ташкил этиш имконини беради.

Шу билан бирга, қарорда белгиланган механизмларни криминологик ёндашувлар билан бойитиш, ижтимоий хавф даражасини баҳолаш тизимини жорий қилиш ҳамда манзилли профилактика усулларини такомиллаштириш зарурати сақланиб қолмоқда.

Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламлари билан ишлаш амалиёти асосан шахсинг ҳуқуқий мақоми,



профилактик ҳисобда туриши, содир этилган ҳуқуқбузарликлар мавжудлиги ёки ижтимоий муаммолар ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилади.

Бироқ мазкур ёндашувлар ҳар доим ҳам шахснинг ижтимоий хавф даражаси, муҳит таъсири, виктимологик ҳолати ёки ҳуқуқбузарликка мойиллик омилларини тўлиқ қамраб олмайди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, айрим ҳолларда шахс ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлиши мумкин, бироқ унда ишсизлик, доимий даромад манбаининг мавжуд эмаслиги, ижтимоий ажралиш, девиант муҳит таъсири, оилавий низолар, виктимологик хавф ҳамда ижтимоий назоратнинг сусайиши каби омиллар мавжуд бўлади.

Бундай ҳолатларда шахс расман ҳуқуқбузарлик субъекти ҳисобланмаса ҳам, ижтимоий профилактикага муҳтож объект сифатида намоён бўлиши мумкин.

Шу сабабли ижтимоий профилактикада фақат натижавий кўрсаткичларга эмас, балки хавф омилларига асосланган баҳолаш тизимини жорий қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари асосида ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламларини баҳолашга қаратилган “Ижтимоий хавф профили модели” таклиф этилди.

Мазкур модель шахснинг ҳуқуқий мақомини эмас, балки унинг ижтимоий хавф муҳитидаги ҳолатини баҳолашга қаратилган бўлиб, у олти асосий индикатордан ташкил топади.

*1-индикатор. Иқтисодий хавф коэффиценти.*

Ушбу индикатор қуйидаги мезонларни қамраб олади: бандлик ҳолати; даромад манбаининг мавжудлиги; иқтисодий барқарорлик; меҳнат муҳитига интеграция даражаси; моддий қийинчиликлар.

Мазкур индикатор шахснинг иқтисодий заифлик даражасини баҳолаш имконини беради.

*2-индикатор. Девиант хавф коэффиценти.*

Бунда қуйидагилар баҳоланади: ғайриижтимоий хулқ белгилари; қарамлик ҳолатлари; ҳуқуқбузарликка мойиллик; девиант муҳит таъсири; қайта ҳуқуқбузарлик хавфи.

Ушбу индикатор шахснинг ҳуқуқбузарлик муҳитига яқинлик даражасини аниқлашга хизмат қилади.

*3-индикатор. Ёшлар ижтимоий хавф коэффиценти.*

Қуйидаги мезонлар ҳисобга олинади: таълимдан узилиш; ишсизлик; ижтимоий назоратнинг сусайиши; салбий муҳит таъсири; ижтимоий мослашув даражаси.

Мазкур индикатор ёшлар муҳитида ижтимоий хавф даражасини баҳолаш имконини яратади.

*4-индикатор. Оилавий ва виктимологик хавф коэффиценти.*

Бу ерда қуйидагилар баҳоланади: оилавий низолар; ажрим хавфи; тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари; ижтимоий ҳимоя даражаси; виктимлашув эҳтимоли.

Ушбу индикатор шахснинг оилавий муҳит билан боғлиқ хавф ҳолатини аниқлашга хизмат қилади.



*5-индикатор. Ижтимоий заифлик коэффиценти.*

Куйидагилар инобатга олинади: парваришга муҳтожлик; ижтимоий ёлғизлик; жисмоний чекловлар; ижтимоий қўллаб-қувватлаш даражаси; ҳаёт сифати.

Мазкур индикатор виқтимологик хавфи юқори аҳоли қатламларини баҳолаш имконини беради.

*6-индикатор. Ижтимоий интеграция коэффиценти.*

Куйидагилар баҳоланади: маҳалла билан алоқадорлик; жамоавий иштирок; меҳнат муҳити; таълим муҳити; ижтимоий муносабатлар.

Юқоридаги таҳлиллар ва ўрганишлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

а) ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламларини фақат ҳуқуқий мақоми асосида эмас, балки ижтимоий хавф даражаси бўйича баҳолаш тизимини жорий қилиш;

б) Низом ижроси доирасида “Ижтимоий хавф профили”ни шакллантириш амалиётини йўлга қўйиш;

в) ижтимоий профилактика объектларини паст хавф, ўрта хавф, юқори хавф ҳамда ўта юқори хавф тоифалари бўйича таснифлаш;

г) манзилли профилактика жараёнида ижтимоий хизматлар, маҳалла субъектлари, таълим муассасалари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида кўп субъектли ҳамкорлик механизмларини кучайтириш;

д) ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламлари бўйича рақамли мониторинг тизимини жорий этиш.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламлари билан ишлашда умумий профилактика усулларида хавфга асосланган, манзилли ва дифференциал ёндашувларга ўтиш зарурлиги асосланди.

Таклиф этилган “Ижтимоий хавф профили модели” мазкур йўналишда ижтимоий профилактика самарадорлигини оширишга хизмат қилиши мумкин.

Мақола доирасида олиб борилган тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламларининг криминологик таснифи ишлаб чиқилди;

ижтимоий профилактика объектларининг иқтисодий, девиант, ёшлар, оилавий-виқтимологик ҳамда ижтимоий заифлик омиллари бўйича тизимлаштирилган модели шакллантирилди;

ижтимоий хавф омилларининг ўзаро таъсир механизми асосланди;

ижтимоий профилактикага муҳтож аҳоли қатламларини баҳолашга қаратилган “Ижтимоий хавф профили модели” таклиф этилди;

ижтимоий профилактика объектларини хавф даражаси бўйича тоифалаш механизми ишлаб чиқилди;



ижтимоий профилактика  
соҳасида рақамли мониторинг ва  
манзилли таъсир чораларини  
қўллашга қаратилган ёндашув  
асосланди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти  
қуйидагиларда намоён бўлади:

ижтимоий профилактикага  
муҳтож аҳоли қатламларини  
аниқлашда;

ижтимоий хавф даражасини  
баҳолашда;

профилактика куч ва  
воситаларини тақсимлашда;

манзилли профилактика  
чораларини ишлаб чиқишда;

маҳалла даражасида ижтимоий  
хавф мониторингини ташкил этишда;

рақамли “Ижтимоий хавф  
профили”ни шакллантиришда;

илмий тадқиқотлар, таълим  
жараёни ҳамда амалий фаолиятда  
фойдаланишда.

### References:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 754-сон (2025 йил 1 декабрь) қарори // <https://www.lex.uz/docs/7872510>.
2. Shaw C.R., McKay H.D. *Juvenile Delinquency and Urban Areas*. – Chicago: University of Chicago Press, 1942. – Б. 98-120.
3. Merton R.K. *Social Theory and Social Structure*. – New York: Free Press, 1968. – Б. 185–214.
4. Hirschi T. *Causes of Delinquency*. – Berkeley: University of California Press, 1969. – Б. 16–34.
5. Sampson R.J. *Great American City: Chicago and the Enduring Neighborhood Effect*. – Chicago: University of Chicago Press, 2012. – Б. 149-176.
6. Sutherland E.H. *Principles of Criminology*. – Philadelphia: Lippincott, 1947. – Б. 75-98.
7. Von Hentig H. *The Criminal and His Victim*. – New Haven: Yale University Press, 1948. – Б. 397–412.
8. Andrews D.A., Bonta J. *The Psychology of Criminal Conduct*. – New York: Routledge, 2017. – Б. 214-239.
9. Singapore Ministry of Social and Family Development. *Social Risk Assessment Framework*. – Singapore, 2022.
10. National Police Agency of Japan. *Community Safety and Neighborhood Cooperation Mechanisms*. – Tokyo, 2021.
11. UK Home Office. *Multi-agency Safeguarding Arrangements Guidance*. – London, 2020.
12. German Federal Ministry for Family Affairs. *Social Reintegration and Prevention Policy*. – Berlin, 2021.